



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки



Банклараро пул бозори шарҳи

2022 йил


Банклараро пул бозори шарҳи

2022 йилнинг январь ойида банкларнинг пул бозоридаги фаоллиги 2021 йил декабрь ойига нисбатан ортган бўлсада, ўтган йилнинг мос ойдаги кўрсаткичлардан паст бўлди.

Бозордаги динамика йил бошида ҳукумат харажатларининг мавсумий камайиши, муомаладаги нақд пул миқдорининг камайиши ва Марказий банкнинг ички валюта бозорига интервенциялари ҳажмининг ортиши ҳисобига банк тизими умумий ликвидлигининг нисбатан мувозанатлашуви фонида шаклланди.

Бунда, ўртача тортилган фоиз ставкалар ҳам сўнгги ойлардаги каби ўзгаришсиз сақланиб қолиб, асосий ставка ва асосий ставка фоиз коридорининг қуйи чегарасига оралиғида шаклланди.

1-расм. Банклараро пул бозори операциялари ҳажми ва ўртача тортилган фоиз ставкаси (трлн. сўмда)



Ликвидлик ҳолати ва уни шакллантирувчи омиллар

Январь ойида ҳам банк тизими ликвидлигида аввалги ойлардаги каби **таркибий профицит** (ижобий тафовут) сақлаб қолди ва ўрта ҳисобда **2,2 трлн. сўм**ни ташкил этди (2-расм).

Ликвидликни оширувчи омиллар:

- ишлаб чиқарувчилар билан олтин хариди билан боғлиқ операциялар **5,6 трлн. сўм**;

- муомаладаги нақд пулларни банк тизимига қайтиши **2,1 трлн. сўм.**


Ликвидликни камайтирувчи омиллар:

- ички валюта бозорига интервенциялар **8,1 трлн. сўм**, бунда ички валюта бозорига интервенциялар ўтган йилларда йиғилиб қолган маблағлар ҳисобига ҳам қўшимча равишда амалга оширилган;


- йилнинг дастлабки ойларида ҳукумат операцияларининг мавсумий камайтирувчи таъсири **2,5 трлн. сўм**;

- банк тизимида депозитлар базаси ошиб боришига мутаносиб тарзда мажбурий захираларни шакллантирилиши **97 млрд. сўм (3-расм).**

2-расм. Умумий ликвидлик ва таркибий профит



3-расм. Автоном омиллар таъсири



Ликвидликни тартибга солиш операциялари

2022 йилнинг январь ойида Марказий банкнинг ликвидликни тартибга солиш инструментлари фаол қўлланилиб умумий банк тизими ликвидлигини мувозанатлаштиришга қаратилди. Мазкур ойда ликвидликни тартибга солишда депозит операцияларига нисбатан **узоқроқ муддатли** облигацияларнинг яҳамияти юқори бўлди.


Жумладан, январь ойида **овернайт операцияларининг** ўтган декабрь ойига нисбатан қисқариши ҳисобига жорий амалиётнинг ликвидликни оширувчи таъсири 1,5 трлн. сўмни (декабрда 0,6 трлн. камайтирувчи) ташкил этди.

Шунингдек, банклар томонидан **депозит аукционларига** бўлган талабнинг бироз камайиши кузатилиб, ликвидликга 0,3 трлн. сўмлик оширувчи (декабрда 0,2 трлн. камайтирувчи) таъсир кўрсатди.

Январь ойида ликвидликни тартибга солишда асосий ўринни **Марказий банк облигациялари** эгаллади ва уларнинг камайтирувчи таъсири **2,3 трлн. сўми** ташкил этди.

Айни пайтда, Марказий банкнинг **ликвилликни тақдим этиш** бўйича операцияларига бўлган талаб январь ойида сезиларсиз даражада сақланиб қолди ва ликвидликка 0,3 трлн. сўмлик камайтирувчи таъсирга эга бўлди (4-расм).


4-расм. Тижорат банкларининг умумий ликвидлигига Марказий банк операциялари таъсири



Операциялар таркиби

Пул бозоридаги депозит операциялари таркибида қисқароқ муддатли операциялар ҳажми нисбатан юқори сақланиб қолмоқда.

5-расм. Муддатлар кесимида операциялар



2022 йил январь ойида банклараро пул бозоридаги бир кунлик (овернайт) операцияларининг умумийдаги улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бироз қисқариб **60 фоизни** ташкил этган бўлса, **2-7 кунлик** операцияларнинг улуши **18 фоиздан 31 фоизгача** ошиши кузатилди (5-расм).


Банклараро пул бозорида январь ойида ҳам **концентрация даражаси** юқорилигича сақланиб қолди. Бунда, **депозит жалб этган** банклар сони ўтган йилги кўрсаткич доирасида сақланиб қолиб 14 тани ташкил этган бўлса, **депозит жойлаштирган банклар** сони 4 тага кўпайиб 25 тага етди (6-расм).

Депозит жойлаштирган банклар сонининг ортиши ликвидликнинг ҳар бир банк кесимида ҳам ижобий тафовути (ортиқчалиги) шаклланиб бораётганлигидан далолат беради.


Энг кўп депозитларни жалб этувчи 3 та банкнинг ой давомидаги жами амалиётлардаги улуши 2021 йил декабр ойига нисбатан 4 фоиз бандга ошиб, **62 фоизни** ташкил этди. Шунингдек, энг кўп депозит жойлаштирувчи 3 та банкнинг ой давомидаги жами амалиётлардаги улуши ҳам сўнгги икки ойдан бери ўсиб бориб, **65 фоизга** етди (7-расм).

Айни пайтда, пул бозорида фаоллик **асосан хусусий банклар** томонидан кўллаб-қувватланмоқда.

6-расм. Банкларнинг пул бозоридаги фаоллиги



7-расм. Пул бозорида талаб ва таклиф табақалашуви




Пул бозорида **фоиз ставкалар** динамикасида нисбатан узоқроқ муддатли операциялар бўйича фоиз ставкалар юқори шаклланаётганлиги, даромадлиқ эгри чизиғининг рисклилик ва муддатлилик тамойиллари мос шакллана бошлаганидан далолат беради.

Хусусан, **30 кундан ортиқ** муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкалар 2021 йил декабрь ойидаги **16,1 фоизлик** даражадан жорий йилнинг январь ойида бироз ошиб, **17 фоиз** атрофида шаклланди.

Шунингдек, муддати **8-14 кунлик депозитлар** бўйича фоиз ставкаларни ўтган йилнинг январь ойига (15,4 фоиз) нисбатан пасайиб, **14,4 фоиз** атрофида шаклланди (8-рasm).

8-рasm. Пул бозорида муддатлар кесимида фоиз ставкалар



© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2022 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: achilov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22